



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI TUPROQQAL’A TUMAN KENGASHI QARORI

Tuproqqal’a tuman “Yoshlik” mahallasi Komiljon Otaniyozov ko‘chasi, 1-uy

2021 - yil 10 - dekabr

VI-46-60-12-218-K/21

Tuproqqal'a tumani hokimligi

Халқ депутатлари Тупроққалъа туман Кенгашининг 2021 йил 23 октябрдаги VI-44-28-12-218-K/21 -сонли Қарорининг 2 банди ва унинг 1, 2, 3-кичик бандларига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Тупроққалъа тумани маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3 чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан ҳисоботини атрофлича муҳокама қилиб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тупроққалъа туман Кенгашининг 2021 йил 23 октябрдаги VI-44-28-12-218-K/21-сонли Қарорининг қарор қилади қисми 2 банди ва унинг 1, 2, 3-кичик бандлари куйидагича ўзгартирилсин.

2. Тупроққалъа туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3 чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан жами 2 403 509 827 (икки миллиард тўрт юз уч миллион беш юз тўққиз минг саккиз юз йигирма етти) сўм маблағи

Шундан:

-Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 3 декабрдаги 02-3427-сонли хатига асосан Давлат Рахбарининг топшириқларига мувофиқ “Ёшлар дафтари” га киритилган фуқароларни моддий қўллаб қувватлаш ҳамда озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ бир қатор тадбирларни молиявий таъминлаш мақсадида ёшлар дафтари жамғармасига 2021 йил 3 чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми маблағи ҳисобидан 550 000 000 (беш юз эллик миллион) сўм маблағни 200 000 000 (икки юз миллион) сўм маблағи

камайтирилиб қолган 350 000 000 (уч юз эллик миллион) сўм маблағ туман хокимлигига ажратилсин;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин кизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Аёллар дафтари” га киритилган фуқароларни моддий қўллаб қувватлаш ҳамда озик-овқат таъминоти билан боғлиқ бир қатор тадбирларни молиявий таъминлаш мақсадида аёллар дафтари жамғармасига 2021 йил 3 чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган қисмининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан 550 000 000 (беш юз эллик миллион) сўм маблағни 264 000 000 (икки юз олтмиш тўрт миллион) сўм маблағи камайтирилиб қолган 286 000 000 (икки юз саксон олти миллион) сўм маблағ туман хокимлигига ажратилсин.

-Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли ва 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

2021 йил 16 апрелдаги 06/03-32/883-сонли хати ижросини таъминлаш юзасидан 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришга ажратиш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га маблағ йўналтириш мақсадида Тупроққалъа тумани маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан 1 100 000 000 (бир миллиард бир юз миллион) сўм маблағни 210 000 000 (икки юз ўн миллион) сўм маблағи камайтирилиб қолган 890 000 000 (саккиз юз тўқсон миллион) сўм маблағ туман хокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш учун ажратилсин ва ушбу маблағлар бошқа мақсадлар учун сарфланиши қатъиян тақиқлансин.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тартибда ўтказилган мажлис баёнининг 16-банди ижроси таъминлаш мақсадида туман хокимлиги ходимларининг иш самарадорлиги ва масъулиятини ошириш учун уларнинг меҳнатини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил октябр, сентябр, декабр ойи иш ҳақиға устама ва озик-овқат ҳамда ушбу тўловлардан ажратма харажатлари 399 562 479 (уч юз тўқсон тўққиз миллион беш юз олтмиш икки минг тўрт юз етмиш тўққиз) сўм

маблағ туман ҳокимлигига, туман ҳокимлиги молия бўлими ходимларининг иш ҳақиларига устама пуллари бериш ҳамда ушбу тўловлардан ажратма харажатлари учун 27 797 357 (йигирма етти миллион етти юз тўқсон етти минг уч юз эллик етти) сўм маблағ туман ҳокимлиги молия бўлимига, туман Ғазначилик бўлими ходимларининг иш ҳақиларига устама пуллари бериш ҳамда ушбу тўловлардан ажратма харажатлари учун 6 304 781 (олти миллион уч юз тўрт минг етти юз саксон бир) сўм маблағ туман ғазначилик бўлинмасига 2021 йил 3 чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағи ҳисобидан ажратилсин;

- Туман Ҳокимлиги биносини қўриқлаш хизмати харажатлари учун 37 614 710 (ўттиз етти миллион олти юз ўн тўрт мин етти юз ўн) сўм, туман Ҳокимлигига “Lacetti” автомобилени ҳарид қилиш харажатлари учун 138 126 000 (бир юз ўттиз саккиз миллион бир юз йигирма олти минг) сўм, “Корхона селектор” Ахборот тизимини ўрнатиш харажатлари учун 3 600 000 (уч миллион олти юз минг) сўм, туман Ҳокимлигини химояланган корпоратив электрон ҳужжатлар алмашинув тизими Е-хатдан фойдаланиш харажатлари учун 400 000 (тўрт юз минг) сўм, Туман ҳокимлигининг 11 та ходимларига ягона ижро интизомини назорат қилиш порталида ишлаш учун Е-калит сотиб олиш харажатлари учун 2 860 000 (икки миллион саккиз юз олтмиш минг) сўм, туман Ҳокимлик фаолиятига доир маколаларни инглиз тилида Ҳалқаро журнал Khorezm Times да 1 йил мобойнида чоп қилдириш харажатлари учун 35 250 000 (ўттиз беш миллион икки юз эллик минг) сўм, Туман ҳокимлиги ходимларининг давлат тилида иш юритиш буйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқиш харажатлари учун 5 584 500 (беш миллион беш юз саксон тўрт минг беш юз) сўм, туман ҳокимлигининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари учун 67 400 000 (олтмиш етти миллион тўрт юз минг) сўм, туман ҳокимлиги газ ҳисоблагич ускуналарига модем сотиб олиб ўрнатиш харажатлари учун 3 500 000 (уч миллион беш юз минг) сўм, туман Ҳокимлигига ичимлик сув учун сув ҳисоблагич сотиб олиш харажатлари 2 000 000 (икки миллион) сўм, зарурат юзасидан тегишли тадбир эҳтиёжларига турли ўлчамдаги баннер плакатлар чоп қилдириш харажатлари учун 20 000 000 (йигирма миллион) сўм, туман ҳокимлиги балансидаги хизмат автомашиналарининг сиқилган газ харажатлари учун 17 010 000 (ўн етти миллион ўн минг) сўм, туман Ҳокимлигининг улгуржи табиий газ харажатларини қоплаш учун 36 000 000 (ўттиз олти миллион) сўм, туман Ҳокимлигининг улгуржи электр энергияси харажатларини қоплаш учун 21 000 000 (йигирма бир миллион) сўм маблағлар туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3 чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми маблағи ҳисобидан туман ҳокимлигига ажратилсин;

- Тупроққалъа туман аҳоли бандликка кўмаклашиш марказининг бўш иш

Ўринларини хар бир махаллада ишсиз банд бўлмаган фуқароларга доимий равишда сифатли қилиб етказиб бериш учун тумандаги 18 та махаллага бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларлар бурчагини тайёрлаш ҳамда марказга бўш иш ўринлари ва юкори ташкилотлардан келган буйруқларни маълумот тариқасида тарқатиш харажатлари учун 3 500 000 (уч миллион беш юз минг) сўм маблағ туман махаллий бюджетининг 2021 йил 3 чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағи ҳисобидан туман ахоли бандликка кўмаклашиш марказига ажратилсин;

- Туманда олиб бориладиган ободонлаштириш ва қурилиш ишларига зарур бўлган қурилиш моллари харид қилиш харажатлари учун 50 000 000 (эллик миллион) сўм маблағ туман махаллий бюджетининг 2021 йил 3 чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми маблағи ҳисобидан туман Ободонлаштириш бошқармасига ажратилсин.

3. Тупроққалъа тумани ҳокимлиги молия бўлими мудирини Б.Атабаевга ушбу қарордан келиб чиқиб кўрсатилган маблағларни режалаштириш учун туман махаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Тупроққалъа туман ғазначилик бўлинмаси бошлиғини И.Мадаминовга туман ҳокимлиги молия бўлими томонидан режалаштирилган маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олган ҳолда тўловларни амалга ошириш вазифасини топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғини С.Султонов ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг “Махаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш” масалалари бўйича доимий комиссия раисини (И.Қаландаров) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Салаев